



Сайдмухтор ОҚИЛОВ,  
тарих фанлари номзоди\*

Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси “Исломшунослик  
ва ислом цивилизациясини  
ўрганиши ICESCO” кафедраси  
доценти

## ИМОМ МОТУРИДИЙ ДАВРИДА АҚИДАГА ОИД ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

### ДОГМАТИКО-БОГОСЛОВСКИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ, НАПИСАННЫЕ В ПЕРИОД ИМАМА МАТУРИДИ

### WORKS WRITTEN IN AQEEDAH AT THE TIME OF IMAM MATURIDI

**Калит сўзлар:** Мовароуннаҳр, калом, ақида, аҳли сунна вал жамоа, мотуридия, муътазилия, қўлёзма, сомонийлар, ҳанафия, ашъария.

**Ключевые слова:** Мавераннаҳр, калам, ақида, аҳл ас-сунна ва ал-жама'а, матуридизм, мутазилиты, рукопись, саманиты, ханафиты, ашариты.

**Keywords:** Mawarannahr; kalam, aqeedah (Islamic theology), Ahl as-sunna wal-jama'a, Maturidiyya, Mu'tazilah, manuscript, Samanids, Hanafiyah, Ash'ariyyah.

#### Кириш

Абу Мансур Мотуридий [15; 25] даврида Самарқандда “Дор ал-жузжония” ва “Дор ал-иёдия” [15: 6-9] ақидавий мактаблари фаолият олиб борган. Бу икки мактаб бири-биридан нақлий далиллар, таъвил масаласида ихтилофда бўлганидан қатъи назар, вакилларининг барчаси ҳанафия ақидасини тарғиб қилганлар. “Дор ал-жузжонияда” Абу Мансур Мотуридий ва унинг устозлари фаолият олиб борган бўлсалар, “Дор ал-иёдия” мактаби вакилларининг барчаси Абу Мансур Мотуридийга шогирд бўлганлар.

Куйида “Дор ал-иёдия” мактабида фаолият олиб борган бир нечта олимларнинг асарларини таҳлил

\*S.Oqilov – Docent of “Islamic Studies and the Study of Islamic Civilization ICESCO” Department of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Candidate of Historical Sciences.

қилишга ҳаракат қиласиз. Мазкур мақоламизда шахсан Абу Мансур Мотуридийнинг асарлари ҳақида тўхталиб ўтмасликка қарор қилганимиз боиси – алломанинг асарлари бугунги кунга келиб комплекс тадқиқ қилиб бўлинган.

Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, Имом Мотуридий даврида ёзилган асарларда кўтарилиган мавзулар асосан Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари асосида ёритилган. Абу Мансур Мотуридий даврида таълиф этилган энг машҳур асар сифатида биз аввало Ҳаким Самарқандийнинг “ас-Савод ал-аъзам” номли асарини таъқидлаб ўтишимиз лозим.

“Китоб ас-савод ал-аъзам” [21; 22]. Маҳаллий халқ тилида “Саводул аъзам” номи билан шуҳрат қозонган бу асар Ҳаким Самарқандий томонидан сомонийлар даврида расмий ҳокимлар талаби билан ёзилган. Сомонийлар [9: 323-32] амири Исмоил ибн Аҳмад (279/897-295/907) Бухоро ва Самарқандга ҳокимлик қилган вақтида 290/902 йили Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган барча олимларини бир жойга тўплаб, сунний эътиқодни баён қилувчи асар ёзишни буюрган. Ушбу масъулиятли вазифа ҳанафий олим Ҳаким Самарқандийга топширилган. Шу тариқа у “ас-Савод ал-аъзам” номли асарини ёзишга киришган. Ёзиг тугаллангач, асарни барча олимлар суннийлик эътиқоди бўйича давлатнинг расмий китоби сифатида тасдиқлаганлар [1]. Жами 61 фаслдан иборат ушбу асар ўз даврида Самарқандда мавжуд бўлган ҳанафия ақидавий қарашларини ўзида мужассам этган. Манбаларда Ҳаким Самарқандий ушбу асарини дастлаб форс тилида ёзгани таъқидланган.

Ушбу китобга Ал-Ҳавий Иброҳим ад-Ҳилмий ибн Ҳусайн деган олим “Салам ал-аҳкам ала Савод ал-аъзам” номи билан шарҳ ёзган [2].

Ҳаким Самарқандий ушбу рисоласининг бошида нима учун унга “ас-Савод ал-аъзам” деб ном берганини асар бошида қуйидагича фикр билан далиллайди:

الحمد لله رب العالمين وصلي الله علی سیدنا محمد خاتم النبیین  
والمرسلین وعلی آله وصحبہ أجمعین  
وبعد فإن سألت عن مذهب النبي صلی الله علیه وسلم فمذهبیه  
الطريق المستقيم كما قال النبي عليه السلام أن قوم موسى إفترقا من  
بعده إحدى وسبعين فرقة فهلك سبعون وتخلص فرقة واحدة وقوم  
عيسى إفترقا من بعده إثنين وسبعين فرقة فهلك إحدى وسبعين  
وتخلص فرقة واحدة وإن أمري ستفترق على ثلات وسبعين فرقة فتهلك  
إثنان وسبعون فرقة وتخلص فرقة واحدة.

Мазкур мақолада мотуридия таълимотининг асосчиси, аҳли сунна вал жамоанинг буюк мутакаллим олими – Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда унинг шогирдлари томонидан ёзилган ақоид (калом) илмига оид асарлар, уларнинг дунё қўлёзма фонdlарида сакланаётган нодир қўлёзма манбалари ҳақида таҳлилий маълумот берилган. Имом Мотуридий даврида Самарқандда фаолият олиб борган “Дор ал-иёдия” мактабининг вакиллари Абу Бакр Иёдий, Ҳаким Самарқандий, Абул Ҳасан Али Рустуғфоний каби олимларнинг асарлари ўзаро таҳлил қилинган. Жумладан, Абул Ҳасан Рустуғфонийнинг “ал-Асъила вал ажвиба” ҳамда “ал-Фавоид” асарлари Туркияning Сулаймония қўлёзмалар фондида сакланаётган қўлёзма нусхалари асосида юртимизда биринчи маротаба таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада “ал-Фавоид” асарининг нафакат усул ал-фиқҳга оид асар экани, балки унинг калом илмига оид жиҳатлари ҳам мавжуд экани кўрсатиб берилган.

В данной статье представлена аналитическая информация о доктрино-богословских произведениях, написанных современниками Абу Мансура Матуриди - основателя учения матуридизма, великого учёного ахль ас-сунна валь-джамаа. Также даются сведения о редких рукописных источниках этих произведений, сохранившихся в мировых рукописных фондах. В статье анализируются труды таких ученых, как Абу Бакр Ияди, Ҳаким Самарқанди, Абул Ҳасан Али Рустуғфани, представителей доктринальской школы “Дар Иядия” в Самарканде во времена Имама Матуриди.

В статье кратко проанализированы все главы произведения “ас-Савад аль-А’зам”, одного из самых известных трудов времен Имама Абу Мансура Матуриди (период династии Саманидов - IX-X вв.) и позднее. Также, впервые в нашей стране были проанализированы рукописи произведений Абул Ҳасана ар-Рустуғфани “Аль-Ас’ила вал адживиба” и “аль-Фава’ид”, хранящиеся в Фонде рукописей Сулеймания в Турции. В частности, в статье анализируются отрывки из жизни имама Матуриди согласно произведению “аль-Фава’ид”. В статье также объясняется, что аль-Фава’ид – это не только труд по усул ал-фиқху, но и произведение по теологии.

This article provides information on the works of aqeedah (kalam) written by disciples of Abu Mansur al-Maturidi, the founder of the doctrine of Maturidiyya, the great scholar of Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah, during his lifetime and their rare manuscript sources preserved in the world's manuscript Funds. The article analyzes works of some scholars such as Abu Bakr al-Iyadi, al-Hakim al-Samarkandi, Abul Hasan Ali al-Rustugfani, representatives of the Dar al-Iyadiya kalam school in Samarkand at the time of Imam Maturidi. In particular, the works of Abul Hasan ar-Rustugfani “al-As’ila wal ajwiba” and “al-Fawaaid” were analyzed for the first time in our country based on manuscripts kept in the Suleymaniye Manuscripts Fund of Turkey. The article also states that “al-Fawaaid” is not only work on “usul al-fiqh”, but also has aspects of kalam.

قيل: يا رسول الله ومن تلك الفرقة قال: أصحاب السنة والجماعة  
وهو السواد الأعظم قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من خالف  
الجماعة قدر شبر خلع رقة الإسلام من عنقه.  
وعلامة السواد الأعظم أن يكون الإنسان متصفاً بإحدى  
وستين خصلة

Таржимаси: Оламларнинг роббиси Аллоҳга ҳамду санолар ва Сайидимиз Мұхаммад (с.а.в.)га, аҳллари ва асҳобларига саловотлар бўлсин. Мендан Набий (с.а.в.)нинг тутган йўллари ҳақида сўрасангиз, мен шундай жавоб бераман: “У йўл мустақим (барқарор) бўлган йўлдирики, Набий (с.а.в.) бу ҳақда шундай деганлар: “Мусо (а.с.)нинг уммати ундан сўнг етмиш бир фирмaga бўлиниб кетди ва етмиштаси ҳалок бўлди, фақат бир фирмaga нажот топди, Исо (а.с.)нинг уммати ундан сўнг етмиш икки фирмaga бўлиниб кетди ва етмиш биттаси ҳалок бўлди, фақат бир фирмaga нажот топди. Бас, менинг умматим ҳам мендан кейин етмиш уч

фиркага бўлиниб кетади ва етмиш иккитаси ҳалок бўлади, фақат биттаси нажот топади.

Росулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрашди: Ё, Росулуллоҳ, у қайси фирмадир? Росулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: У аҳли сунна вал жамоадир ва ана ўша ас-Савод ал-аъзамдир”. Ва яна Росулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Кимда ким жамоадан ажralиб чиқса ва унга хилоф иш тутса, унинг даражаси бўйнидан Исломнинг соқит бўлиши билан баробар бўлади”.

Ас-Савод ал-аъзамнинг аломати инсоннинг қуидаги олтимш бир хислатда зохир бўлади”.

“Ас-Савод ал-аъзам” асари кўздан кечирилганда ундаги қуидаги хусусиятларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Ҳаким Самарқандий рисолада ақоид муаммоларининг деярли барчасини айтиб ўтган;
- кейинги даврда ёзилган Ақоидга доир рисолаларининг ёзилишига замин яратиб берган;
- рисолада ашёнинг (нарсалар) ҳақиқати, маълумот олиш йўллари ва оламнинг моҳияти каби каломий мавзуларга ўрин берилмаган;

- мавзуларни белгиланган бир тартибда тузмаган;
- мавзуга оид барча масалалар бир хил ерда баҳс қилинмаган, турли ерларда фарқли ҳажмлари билан баён қилинган;
- рисола мотуридия калом мактабининг мутақаддим давридаги асосий манбаларидан бири хисобланган;
- рисолада бошқа кўплаб ақидавий манбаларда ўрин олмаган баъзи фикҳий масалалар ҳам очиб берилган;
- Ҳаким Самарқандий, ақидавий мавзуларни баъзан ихчам шаклда, баъзан батафсил тарзда далиллар билан айтиб ўтган;
- масалаларни ақлий далиллардан зиёда нақлий далиллар билан кўллаб-кувватлаган ва деярли барча каломий масалаларда Куръонга суюнган;
- Ҳаким Самарқандий, ақидавий масалаларни ўзининг мазҳаб тушунчаси бўйича шарҳлашга ҳаракат қилган.

2. “Рисола фил имон”. Тўлиқ номи “Рисола фил имон жузъ минал имон” деб аталган ушбу рисоланинг муаллифи ҳам Ҳаким Самарқандийдир. Рисола атиги икки сахифадан иборат бўлиб, 1872 йили “ас-Савод ал-аъзам” асарининг нашрига илова қилиниб чоп этилган. Ушбу рисоланинг нодир тошбосма нусхаси Анкара университети Илоҳиёт факультети манбалар фондида 237.4 инвертар рақами остида сақланади.

Рисолада имоннинг қалб билан тасдиқ ва тил билан икрор бўлишининг шарти, амаллар имоннинг жузъи эмаслиги ҳамда имоннинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги ҳақидаги масалалар баён этилган. Шу йўсинда хорижийлар [19: 88-90] ва мұтазилийлар [16: 35-52] ва Имом Шоғийнинг имон масаласидаги қарашларига раддия берилган [8: 287]. Кўриниб турибдики, ушбу рисола ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳанафия ва мотуридия ақидасини ифодалаб беришга бағишиланган.

Мазкур рисола бор йўғи икки сахифадан иборат бўлиб имоннинг рукнлари Абу Ҳанифа [3] ақидасига кўра ёритилган ва Имом Шоғийга кўра, амаллар имоннинг рукни, асли эмаслиги ҳақидаги фикрлари билан қилинган.

Муаллиф ушбу асарида имон масаласида қуйидагича хулоса келтириб ўтган:

من شهد وعمل واعتقد فهو خلص ومن شهد وعمل ولم يعتقد  
 فهو منافق ومن شهد ولم يعمل ويعتقد فهو فاسق ومن أجل بشهادتين  
 فهو كافر ...

Таржимаси: кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса, амал ва эътиқод қилса, у ҳақиқий

мухлисдир (тақводор мўмин). Кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса, амал қилса-ю лекин барчасига эътиқод қилмаса (имон келтирмаса), бус у мунофиқдир. Кимки (шаҳодат калимасига) гувоҳлик берса-ю, лекин амал қилмасдан эътиқод қилса, у фосиқдир... [23: 39].

Демак, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Ҳаким Самарқандий ҳам рукнларга амал қилмаган инсонни Абу Мансур Мотуридий ақидасига мувофиқ имонида қолишини таъкидламоқда.

Шунингдек, асарда имон билан ислом бир нарса экани ҳақида сўз боради. Олим ушбу фикрларига Куръондан “Оли Имрон” сураси, 85-оятни далил келтирган [23: 39].

**Оят маъноси: Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг “дини” Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир.**

Олим имон билан ислом бир хил маънони ифодалашига яна Куръондан “Зориёт” сураси, 35-36-оятларни далил келтиради:

**Оят маъноси: Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлмиш кишиларни чиқариб юбордик. У жойда бир хонадондан (Лут хонадонидан) ўзга мусулмонларни топмадик.**

Ушбу масаланинг ёритилишидаги далилларга эътибор берсак, мотуридия таълимотининг энг обрўли вакили – Абул Муин Насафий [24; 13] ҳам “Баҳр ал-калом” [11] асарида шу оятларни далил келтирганига гувоҳ бўламиз [12].

Демак, ҳажм жиҳатидан мўъжазгина бўлган ушбу рисолага Абул Муин Насафийдек олим мурожаат қилганидан уни ҳам тўлиқ ҳанафия-мотуридия ақидасига мувофиқ тарзда ёзилган мўътабар манба деб этишимиз мумкин.

3. “Ал-Масоил ал-аширия ал-иёдия”. Ўз даврида “Масоил мин асл ад-дин” номи билан ҳам танилган ушбу асар ҳам кичик рисола шаклида бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келган [18: 251а-б]. Турк тадқиқотчиси Шукру Ўзген томонидан турк тилига таржима қилинган.

4. “Жумал усул ад-дин” [10: 59]. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шогирди бўлган Абу Салама Мұхаммад ибн Мұхаммад ас-Самарқандий қаламига мансуб ушбу асарга кейинчалик Ибн Закариё Яхё ибн Исҳоқ “Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама Самарқандий” номли шарҳ ёзган.

Мазкур асарнинг таркибий тузилишига аҳамият берсак, у турлича, яъни бир тизимга солинмаган ҳолда берилганига гувоҳ бўламиз. Асарда кўта-

рилган масалаларни С.Кутлу куйидагича тартибга соглан:

- Маълумот олишлик йўллари;
- Улухият ва исботи вожиб;
- Аллоҳнинг сифатлари;
- Имон масаласидаги тортишувлар;
- Қазо ва қадар масаласи;
- Амр (буйруқ), Нахий (қайтариш), ал-ваъд вал ваид (мукофот ва жазо);
- Имомат (раҳбарлик) масаласи;

Ҳаким Самарқандийнинг “ас-Савод ал-аъзам” асари каби “Жумал усул ад-дин” асари ҳам ўз даврида ислом динининг асосий тамойилларини халққа ўргатиш мақсадида сомонийлар амирининг расмий буйруғи билан ёзилган [1: 13]. Асарда асосан Имом Мотуридийнинг ақидавий қарашлари ёритилган.

5. “Ал-Асьила ва-л-ажвиба”. Ушбу асар Мотуридийнинг яна бир шогирди Абул Ҳасан Али ибн Сайд Рустуғфоний (ваф. 350/961 й.) қаламига мансуб [18]. “Ал-Асьила ва-л-ажвиба” асарида Аллоҳга имон келтирмаган инсонлар учун “мезон” ва “ҳасанот” бўлиш-бўлмаслиги, Одам (а.с.)нинг жаннатдан ер юзига туширилиши, имон Аллоҳ томонидан ато этилиши ёки касбий бўлиши, фаришталарнинг савоб ёки жазога сазовор бўлиш-бўлмаслиги каби масалаларга жавоблар берилган. Асар бор йўғи еттита савол-жавобдан иборат.

“Ал-Асьила вал-ажвиба” асари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, мазкур асар қўлёзмаси билан танишишдан олдин, биз уни йирик бир асар сифатида тасаввур қилган эдик. Лекин қўлёзма тадқиқ қилинганда у кичик бир савол-жавобдан иборат рисолача эканига гувоҳ бўлдик. Асар матни жуда ҳам тушунарсиз иборалар билан ёзилгани ва олим бу асарида аслида нимани қўзлагани, ким унга савол билан мурожаат қилгани мавҳум бўлиб қолган. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу рисолани мотуридия таълимотида муҳим бир аҳамият касб этган манба сифатида қарашга асос йўқ. Лекин Абул Ҳасан Али ибн Сайд Рустуғфонийнинг мазкур рисоласидан фарқли равишда “Ал-Фавоид” номли асари ҳам бизгача етиб келган. Бу асар ҳақида куйида тўхталиб ўтамиз.

6. “Ал-Фавоид”. Таъкидланганидек, ушбу асар ҳам Абул Ҳасан Али ибн Сайд Рустуғfonий қаламига мансуб. Унинг нодир қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Янги Жоме бўлимида 547 рақами билан сақланаётган Аҳмад ибн Мусо Кешийнинг (ваф. 550/1155 й.) “Мажмъа ал-ҳаводис ван навозил” номли асарининг қўлёзмаси ичida сақланмоқда [7: 2856-3176].

Асарда рўза, намоз, имон, оила қуриш, ахлоқ каби асосан фикҳий масалалар баён қилинган.

Турк тадқиқотчиси Ахмет Акнинг таъкидлашича, ушбу асар мотуридия таълимотига оид илк асар ҳисобланади [1:14]. Асарни қўздан кечирсак, унинг чиқарган хуносаси асосли эканига гувоҳ бўламиз. Чунки асарнинг олти жойида Мотуридийдан далиллар келтирилган: тўрт жойи Мотуридий билан боғлиқ бўлса [7: 302a, 308a, 315a, 317a], икки жойида тўғридан-тўғри унинг фикрларидан иқтибослар келтирилган [7: 313b, 317b].

Мазкур асарни тадқиқотчилар фикҳий манба сифатида эътироф этадилар. Лекин унда фикҳий масалалар билан бир қаторда ақидавий мавзулар ҳам ёритилган. Асар ўша даврдаги анъанага хос бўлган савол-жавоб услубида ёзилган ва унда ақидавий масалалар ижтимоий муносабатлар нуқтаи назардан ёритилган. Қуйида асарда кўтарилган баъзи масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Асарда мусулмоннинг “масжидга биринчи бўлиб кириши, жамоатнинг олдида туриши ва масжиддан охирги бўлиб чиқиши фазилати” ҳақида ажойиб тушунтириш берилган.

Асарда келтирилишича, Рустуғfonий Пайғамбаримиздан, “Эркаклар учун (жамоат намозида) энг хайрли саф (қатор) биринчисидир, энг ёмони эса охиргисидир. Аёллар учун энг хайрлиси охирги сафдир, энг ёмони эса биринчисидир”, деган ҳадисларини мисол келтириб, ушбу масала ҳақида сўрашганда, Рустуғfonий шундай жавоб берган:

“Бу ҳадисдан мурод, аслида масжид ичига биринчи бўлиб кириш фазилатидир. Лекин кимки Аллоҳ ва унинг ризоси учун риё ва кибрсиз ҳолатда масжидга биринчи бўлиб кирса-ю, лекин хоҳ биринчи қаторда, хоҳ охирги қаторда туриб намозини адо этса Аллоҳ тарафидан энг яхши мукофотга лойиқ кўрилган бўлади”.

Аллоҳ Таоло Вокеа сураси, 10-12-оятларда шундай марҳамат қилган:

Оят маъноси: “(Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) **пешқадам бўлгувчи зотлар** (жаннат неъматларига эришишида ҳам) **пешқадам бўлгувчи зотлардир!** Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида (Аллоҳ таолога) **яқин қилингувчилардир**”.

“Ал-Фавоид” асарида ушбу масаланинг ёритилишида қуйидаги келтирилган ривоят эътиборга моликдир:

Ривоят қилинишича, Абул Қосим Ҳаким Самарқандий ва Абу Мансур Мотурудий икковлари бир масжидда жамоатда эдилар. Ҳаким

Самарқандий Абу Мансур Мотуридийдан аввалрөк масжиддан чиқади ва Мотурудийдан узр сўраб шундай дейди:

“Масжиддан сиздан олдин чиқишим сабаби, аслида сиздан ўзимни устун қўйиш эмас, балки сизни мендан даражангиз устун бўлишини истаганимдир. Чунки фазилат (савобнинг кўпі) масжиддан кечроқ чиқсан кишига берилади. Шунинг учун фазилатни ўзимдан кўра сизга тегишини хоҳладим. Агар бу маком масжидга кираётганимизда ҳам шундай бўлганида, худди шу ишни такрорлаган бўлар эдим” [7: 547: 310б].

Рустуғфоний мазкур ривоятни мисол келтириб шундай хулосани билдиради: “Ушбу ривоятдан кўриниб турибдики, ҳақиқий фазилат аслида намозда биринчи сафда туришлиқда эмас, балки масжидга аввал кириб, охири чиқишлиқдадир”.

Асада келтирилган айрим масалаларга аҳамият берсак, Рустуғфоний мұтазилийларга кескин муносабатда бўлиб уларга ҳатто бироз амбициявий муносабатда бўлганига гувоҳ бўламиш.

Асада Рустуғфонийга, “аҳли сунна вал жамоа билан мұтазила вакиллари ўртасида ўзаро никоҳ куриш мумкинми?”, деган савол берилади.

Олим шундай жавоб беради: Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки бизга кўра мұтазилийлар коғирдир (Шарҳ: Рустуғфонийнинг мұтазилийларга нисбатан “коғир” иборасини ишлатганидан унинг шахсан ўзи мұтазилия вакилидан азият чеккан бўлиши мумкин. Чунки аҳли сунна вал жамоа ўтиқодига кўра аҳли қибла (акидада адашган бўлса ҳам) куфрга чиқарилмайди. Ҳатто Имом Абу Ҳанифа ва Абу Мансур Мотуридий каби олимлар ҳам мұтазилийларни адашган тоифа сифатида ўтироф этсаларда, уларни коғирга чиқармаганлар). Сабаби, улар ўзларининг йўлларига юрмаганларни муртад (диндан чиқсан) деб хисоблайдилар.

Рустуғфоний кейин бир мұтазилийнинг яхудий ва насронийлар сўйган гўштни егани ва мұтазилий бўлмаган мусулмон сўйган гўштни емагани ва у унинг муртадлиги сабабли сўйган гўштини емаганини мисол келтиради. Рустуғфонийнинг айтишича, бу ерда мұтазилий унинг йўлида бўлмаган мусулмонни яхудий ва насронийдан ҳам паст санаган. Олим бу билан мұтазилийларни кескин қоралайди ва уларнинг диндан чиқсаннага Росулулоҳ (с.а.в.)дан “Қадарийлар умматимнинг маъжусийларида” (Шарҳ: Бу ерда мұтазилийлар тақдир масаласида қадарийлар эътиқодида бўлгани учун юқоридаги ҳадисда келтирилган

мажусийларга қиёс қилинган), деган ҳадисларини далил келтиради.

“Ал-Фавоид” китоби бўйича айтиш мумкинки, асада муаллиф томонидан бироз кескинлик кайфияти сезилиб туради. Лекин ҳар қандай масалада у мотуридия таълимотидан четга чиқиб кетмаган. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Рустуғфонийнинг “ал-Фавоид” асарини чиндан ҳам Мотуридийнинг ақидавий қарашларини ўзида акс эттирган ва мотуридия таълимоти бўйича баҳс юритилган дастлабки асар деб хисоблаш мумкин.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мовароуннахрда IX-X асрларда хукмронлик қилган сомонийлар даврида сиёсий ва ижтимоий мухит илм ахилларининг серқирра ижод қилишларига катта замин яратиб берган. Айнан шу сулола хукмронлик қилган даврда ўлкада бағрикенглик сиёсати устувор бўлган. Маҳаллий аҳоли ўртасида ўтиқод масалаларида ўзаро ихтилоф юзага келса, сultonларнинг ўзлари бу ихтилофларнинг барҳам топишида бош-қош бўлглар.

Сомонийлар даврида ҳанафия ақидасининг таъсирида Мовароуннахрда “Дор ал-Жузжония” ва “Дор ал-иёдия” мактаблари ташкил этилган. “Дор ал-Жузжония” мактабида кўплаб мутакаллим олимлар орасида Абу Мансур Мотуридий етишиб чиқсан. Кейинчалик бу мактаб таъсирида “Дор ал-иёдия” мактаби вужудга келди.

Абу Мансур Мотуридий даврида калом илмига оид ёзилган асрлар таҳлил қилинганда, биз юқорида таҳлил қилган абадиётларнинг барчаси “Дор ал-иёдия” вакиллари қаламига мансуб асарлар эди. Уларда фақат Абу Мансур Мотуридий илмий меросига нисбатан нақлий далилга кўпроқ аҳамият берилган, холос. Лекин биронта асада Абу Мансур Мотуридий фикрий қарашлари ва шахсиятига салбий муносабат билдирилмаган.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ahmet, Ak. “Büyük türk âlimi mâturîdî ve mâturîdîlik”. Monografiya. –İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008.
2. Al-Havîy, Ibrohim Hilmiy ibn Husayn. “Salam al-ahkam ala savod al-a’zam” Toshbosma. Toronto universiteti kutubxonasi. Inv № W 35. 1895.
3. Фиёсов А. “Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Васият Аби Ҳанифа” асари”. –Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти. 2019.
4. Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳоший. “Ал-Ҳавий фи ал-фатава”. Кўллэзма. –Истанбул: Су-

лаймония кутубхонаси, Ҳаким Али Поша бўлими. Инв. № 402.

5. Ибн Закариё. “Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама ас-Самарқандий”. Қўлёзма. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Раис ал-куттаб бўлими. Инв. № 690.

6. Абу Бақр Иёдий. “Ал-Масаил ал-Ашрия ал-Иёдийя”. Қўлёзма. –Истанбул: улаймония кутубхонаси, Ҳаким Али Поша бўлими. Инв. № 402. V.251a-b.

7. Аҳмад ибн Мусо Кеший. “Мажмаъ ал-Ҳаводис ван-навозил”. Қўлёзма. –Истанбл: Сулаймония кутубхонаси, Янги Жомеъ бўлими. Инв. № 547.

8. Kutlu, Sönmes. “Turklerin islamlaşma suresinde murçie ve tesirleri”. – Ankara: 2000.

9. Муҳаммад ибн Аҳмад Мақдисий. “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим”. –Лейден: 1906.

10. Муминов А. Роль и место ханафитских улама в жизни городов центрального Маварааннахра (II-VII/VIII-XII вв.). дисс. на соиск. док. истр. наук. –Ташкент: Каб. Мин. Р. Уз. ТИУ, 2003.

11. Абул Муъин Насафий. “Баҳр ал-калом”. Қўлёзма. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв.№ 4008/II;

12. Абул Муъин Насафий. “Баҳр ал-калом”. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 2005.

13. Оқилов С. “Абул Муъин Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти”. Монография. – Тошкент: Nur poligraf, 2008.

14. Оқилов С. “Самарқандда фаолият олиб борган “Дор ал-Иёдия” ақидавий мактаби”. “Ином Бухорий сабоқлари” журнали. 2015. – № 4.

15. Оқилов С. “Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти”. Монография. –Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2020;

16. Оқилов С. “Калом (Ақоид)”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019;

17. Абул Ҳасан Рустуғфоний. “Ал-Фаваид”. Қўлёзма. –Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Янги Жомеъ бўлими. Инв. № 547.

18. Абул Ҳасан Рустуғфоний. “Ал-Асъила ва ал-ажвиба”. Қўлёзма. –Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Мулла Мурод бўлими. Инв. № 1829.

19. Сагдиев Х. “Протеворечивое вероучение заблудных групп”. In Sborniki konferensiy NIS Sosiosfera (No. 12, pp. 86-91). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.

20. Ҳаким Самарқандий. “Ас-Савод ал-аъзам”. Қўлёзма. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 2630.

21. Ҳаким Самарқандий. “Ас-Савод ал-Аъзам”. Тошбосма. –Истанбул: 1872.

22. Ҳаким Самарқандий. “Ас-Савод ал-Аъзам”. Тошбосма. –Қозон: 1878.

23. Ҳаким Самарқандий. “Рисала фи ал-иман”. Тошбосма. Анкара университети, Илоҳиёт факультети фонди. Инв. №: 237.4.

24. Уватов У. “Абул Муъин ан-Насафий ҳаёти ва мероси. –Тошкент: “Маънавият”, 2003.

25. Зиёдов Ш. “Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-Таъвилот” асари. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 2009.

